

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ ҲУҚУҚ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

### ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

#### ИШ БЕРУВЧИЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

2009 йил 16 апрелда «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида» ЎРҚ-210-сон билан қабул қилинган Қонун («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади) ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича барча иш берувчилар учун ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш мажбуриятини белгилайди. Иш берувчининг суғурта қилиш шартномаси оммавий шартномадир. Суғурта тарифлари базавий ставка ва коэффицентлардан иборат. Коэффицентлар иш берувчи томонидан амалга ошириладиган фаолият турларининг хавфлилик даражасига боғлиқ ҳолда белгиланади. Суғурта пули белгиланган бўлиб, чунончи, шартнома тузилган санадаги ҳолатга кўра фаолиятини бир йилдан ортиқ амалга ошириб келаётган иш берувчи учун олдинги ўн икки ой учун иш берувчи барча ходимларининг бир йиллик иш ҳақини ташкил этади. Суғурта тарифларининг энг юқори даражаларини, уларнинг тузилишини ва суғурта мукофоти суммасини белгилашда мазкур тарифларнинг суғурталовчи томонидан қўлланилиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.


Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2009 йил 17 апрелда расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди, иш берувчининг ўзи давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан ёки иш берувчилар – жисмоний шахслар учун меҳнат шартномаси (контракт) тузилган санадан эътиборан ўн беш иш кунидан кечиктирмай ўзининг фуқаролик жавобгарлигини белгилловчи қоидалар бундан мустасно.

#### ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ УЧУН

Президентнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 199-сон қарори билан Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ҳамда маънавий баркамол авлодни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича ҳукумат комиссияси ташкил этилди. Комиссия зиммасига қуйидаги вазифалар юкланган: кўрсатиб ўтилган Дастурдаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ҳар бир вилоят, туман ҳамда аҳоли пунктида амалга ошириш, уларнинг сўзсиз бажарилиши юзасидан тизимли назоратни таъминлаш; тиббиёт ва таълим муассасалари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда хотин-қизлар кўмиталари, оммавий ахборот воситалари томонидан аҳоли, энг аввало, ёшлар ўртасида соғлом оилани шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш муаммолари, «Соғлом она – соғлом бола» мақсадли вазифасини амалга ошириш бўйича олиб бориладиган кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш.

#### БУХОРО ВА САМАРҚАНД СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 апрелдаги «Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини сув билан таъминлашни яхшилаш лойиҳаларини амалга ошириш учун жалб қилинган хорижий кредит ва қарз маблағларига ўз вақтида хизмат кўрсатилишини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 109-сон қарори билан қуйидагилар тасдиқланди: «Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини сув билан таъминлаш» лойиҳасининг тузатиш киритилган ТИА; лойиҳанинг тузатиш киритилган ТИХ; субқарзлар, кредитлар, шу жумладан Франция ҳукуматининг «На-



тексис» банки кредитини тўлаш жадваллари ва Ўзбекистон Республикаси кафолатлари остида жалб қилинган кредитлар ва қарзларга хизмат кўрсатиш бўйича харажатларни тўлаш улушларининг тақсимлини. Ҳукуматнинг баъзи қарорларига тегишли ўзгаришлар киритилди.

#### УНДИРУВНИ ҚАРАТИБ БЎЛМАЙДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 апрелдаги 110-сон қарори билан Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхати тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Белгиланишича, Рўйхатга киритилган ва гаров буюми ҳисобланган буюмларга ундирув, ушбу гаровдаги мулк билан таъминланган қарздорликни ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари бўйича қаратилиши мумкин.

#### ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ кўмитасининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 14 апрелда 1939-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Аввал хусусийлаштирилган корхоналар – ягона солиқ тўлови тўловчиларини умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқланди («Норма маслаҳатчи»да чоп этилади). Низом амалга ошираётган фаолият туридан қатъи назар, ягона солиқ тўловчиси бўлган барча аввал хусусийлаштирилган корхоналар учун татбиқ этилади. Реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми сўнгги икки чоракда объектив сабабларсиз, мол-мулк ва ер солиғининг ҳисобланган ўн карра миқдоридан кам бўлган суммани ташкил этган бундай корхоналар солиқ органининг хабарномасига асосан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказилади. Уларни тўлашга ўтказилган корхона ягона солиқ тўловини тўлашга

фақатгина кетма-кет келувчи тўрт чорак давомида товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилишнинг ҳақиқатдаги ҳажми мол-мулк солиғи ва ер солиғи суммасининг норматив белгиланган миқдоридан юқори бўлган тақдирда ўтиши мумкин.

2009 йил 24 апрелдан кучга кирди.

#### ОШХОНА ХОДИМЛАРИ УЧУН

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг қарори (АВ томонидан 2009 йил 16 апрелда 1940-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари тасдиқланди. Қоидалар республикадаги соғлиқни сақлаш муассасалари ва корхоналарининг ошхоналари учун қўлланилади ҳамда улар қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария нормалари ва қоидалари, давлат стандартлари талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этилди.

Ошхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шартлари яратилган бўлиши кераклиги белгиланиб, уларни яратиб бериш иш берувчи томонидан амалга оширилиши лозим. Белгиланишича, хавфли ишларга, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш электр қурilmалари, махсус технологик ускуналар ва механизмларга хизмат кўрсатиш ишларига тегишли касбий маълумотга эга бўлмаган шахсларни қабул қилиш тақиқланади. 18 ёшга тўлмаган шахслар эса зарарли ва ноқулай меҳнат шартлари мавжуд ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

2009 йил 26 апрелдан кучга кирди.



Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 16 апрелда 1941-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси

#### МУДОФАА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ГАЗНА ИЖРОСИ

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 2009 йил 16 апрелда 1941-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Мудофаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотларининг бюджет харажатлари ва бошқа махфий характерга эга бўлган бюджет харажатларнинг газна ижроси

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2009 йил 11 апрелдан 17 апрелгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 16-сон асосида тайёрланди.

Мазкур ва бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.pogma.uz](http://www.pogma.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» рўқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

#### ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2009 йил 13 апрелдаги 218-аф-сонли буйруғига асосан МЧЖ «ETALON» аудиторлик ташкилотига 2008 йил 10 июнда берилган 00223-сонли лицензиянинг амал қилиши 2009 йилнинг 10 апрелидан тугатилди.

Молия вазири ўринбосари  
М.МИРЗАЕВ.

УШБУ СОҒДА	1-бет	2-бет	3-6-бетлар	7-8-бетлар
	Қонун ҳужжатларига қисқа шарҳлар	Ходим билан ҳисоб-китоб	Янги қонун ҳужжатлари	Реклама
	\$1 = 1445,22 сўм	€1 = 1908,18	£1 = 2130,83 сўм	¥10 = 146,28 сўм

**INTER-PRESS** АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ОБУНА-2009 ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОВЛАР

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPSI • Автомир • Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги • Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенство секретно

www.interpress.uz

119-0000  
155-0955

Тел./факс: (99897)

Тошкент ш., Навоий кўч., 13

# ФИРМА ЁПИЛГАНДА ХОДИМ БИЛАН ҲИСОБЛАШИШ



**МЧЖ муассислари уни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Корхона тугатилиши боис ишдан бўшатиш бошланиши олдиндан ходимлар билан қандай ҳисоб-китоблар амалга оширилиши зарур? Экспертлардан мисоллар ва солиқ оқибатлари тавсифи билан батафсил тўшунтириш беришларини сўраймиз.**

**Корхона тугатилиши тўғрисида ходимни ўз вақтида огоҳлантирмагани учун иш берувчига нисбатан қандай чоралар қўлланади?**

**Ирина А., бош бухгалтер.**

– Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини корхона тугатилиши муносабати билан иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш Меҳнат кодекси (бундан кейин – МК) 100-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандида келтирилган. МКнинг 102-моддасига биноан иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида корхона тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинишидан камида икки ой олдин ходимни ёзма равишда (имзо чекдириб) огоҳлантириши шарт.

Огоҳлантириш муддати мобайнида ходимга ҳафтада камида бир марта ишга чиқмаслик ҳуқуқи берилиб, бунда бошқа иш қидириш учун вақтга иш ҳақи сақланади.

Иш берувчи билан келишган ҳолда у икки ой муддат (огоҳлантириш муддати) ишламаслик, балки огоҳлантириш муддати (2 ой)га мувофиқ келадиган пул компенсацияси олиш учун ҳақлидир. Бу ҳолда ходимнинг ишдан бўшатиш нафақаси (моддий ёрдам) олиш кафолати ҳам сақланади.

МКнинг 67-моддасига кўра корхона тугатилиши муносабати билан ишдан бўшатишда ходимга кўпи билан икки ой учун ўртача ойлик иш ҳақи ва биринчи ой учун ишдан бўшатиш нафақаси тўланади. Иккинчи ой учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси аввалги иш жойида, агар ходим ишга жойлашмаган ва мазкур ҳолатни меҳнат дафтарида тақдим этиш билан тасдиқлаши мумкин бўлган тақдирда, тўланади. Агар ходим меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўн календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага биноан учинчи ой

учун ҳам олдинги иш жойидан унга худди ўшанча миқдорда ўртача иш ҳақи тўланади.

**1-МИСОЛ.** Ходим билан меҳнат шартномаси корхона тугатилиши муносабати билан 2009 йил 1 апрелдан бошлаб бекор қилинган. Иш берувчи у билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида 2009 йил 1 февралда ёзма равишда (имзо чекдириб) огоҳлантирган. Меҳнат шартномаси бекор қилинадиган кунда (2009 йил 1 апрель) ходимга биринчи ой (апрель) учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши керак.

3 апрелда ходим маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтказилди. Бироқ у май ойида ҳам ишга жойлашмади. Ой туганидан сўнг ходим меҳнат дафтарида асосида иккинчи ой учун ишдан бўшатиш нафақасини олишга ҳақлидир.

Ходим июнда ҳам ишга жойлаша олмади. У олдинги иш жойидан учинчи ой учун ҳам маҳаллий меҳнат органи берган маълумотнома бўйича ўртача иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлди.

Ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» қарорига (1997 йил 11 мартдаги 133-сон) 6-илованинг 1-бандига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳисоб-китоб кунда ходим куйидагиларга эга бўлган:

лавозим маоши – 165 750 сўм;  
суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзилладиган, лавозим маошидан ташқари мукофот ва қўшимча тўловларнинг 1/12 қисми – 55 000 сўм.

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори:

$165\,750 + 55\,000 = 220\,750$  сўмни ташкил этади.

Апрель учун ходим 220 750 сўм ишдан бўшатиш нафақаси олади.

Иккинчи ва учинчи ойлар учун унга тўланадиган сумма:

$220\,750 \times 2 = 441\,500$  сўм.

Ишга жойлашган тақдирда ходимга олдинги иш жойидан ишдан бўшатиш нафақаси тўланмайди.

**2-МИСОЛ.** Ходим билан меҳнат шартномаси корхона тугатилиши муносабати билан 2009 йил 1 апрелдан бошлаб бекор қилинган. Иш берувчи уни бу ҳақда 2009 йил 1 февралда ёзма равишда (имзо чекдириб) огоҳлантирган.

Ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда (2009 йил 1 апрель) унга биринчи ой (апрель) учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланган. Ҳисоб-китоб кунда унинг лавозим маоши 135 150 сўмни ташкил қилган;

суғурта бадаллари ҳисоблаб ёзилладиган, лавозим маошидан ташқари мукофот ва қўшимча тўловларнинг 1/12 қисми – 60 000 сўм.

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдори:  
 $135\,150 + 60\,000 = 195\,150$  сўмни ташкил этади.

Апрель учун ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори 195 150 сўмга тенг. Май ойида ходим янги ишга жойлашди, шу сабабли унга иккинчи ва учинчи ой учун ишдан бўшатиш нафақаси тўланмайди.

Агар ходим ишдан бўшатилиши тўғрисида икки ой олдин эмас, балки, масалан, бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантирилган бўлса, иш берувчи унга ходимнинг йўқотилган иш ҳақи миқдорида мувофиқ келадиган бир ой учун пул компенсацияси тўлаши ёки меҳнат шартномасини бекор қилишни 2009 йил 1 майга кўчириши шарт.

**3-МИСОЛ.** Ходим билан меҳнат шартномаси корхона тугатилиши муносабати билан 2009 йил 1 апрелдан бошлаб бекор қилинган. Иш берувчи ходимни у билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши тўғрисида 2009 йил 1 мартда ёзма равишда (имзо чекдириб) огоҳлантирди.

МКнинг 102-моддасига кўра иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида корхона тугатилиши муносабати билан меҳнат шартномаси бекор қилинишидан камида икки ой олдин ходимни ёзма равишда (имзо чекдириб) огоҳлантириши шартлиги,

**NORMA** Мақола электрон маълумотнома тизими материаллари асосида тайёрланди.

## АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

Тошкент ш., М.Улугбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, 10а-уй.  
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс:(998 71) 237-45-29.  
E-mail: info@norma.uz, web:www.norma.uz

бирок бир ой олдин огоҳлантирилганлиги боис иш берувчи ходимга бир ой учун у йўқотган иш ҳақи миқдорида мувофиқ келадиган пул компенсациясини тўлаши (ёки у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни 2009 йил 1 майга кўчириши) шарт.

Ходимнинг лавозим маоши 110 000 сўмни ташкил қилади. Унга лавозим маошининг 15% миқдорида устама белгиланган, у 16 500 сўмни ташкил қилади. Жами иш ҳақи:

$110\,000 + 16\,500 = 126\,500$  сўмга тенг.

Ходимга 126 500 сўм миқдорида пул компенсацияси тўланиши керак.

У билан меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда (2009 йил 1 апрель) ходимга биринчи ой (апрель) учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси (126 500 сўм) тўланади. Иккинчи ва учинчи ойлар учун ишдан бўшатиш нафақаси юқорида келтирилган мисолларда баён этилган тартиб ва шартларда тўланади.

Агар ходим у билан тузилган меҳнат шартномаси корхона тугатилиши муносабати билан бекор қилиниши тўғрисида огоҳлантирилмаган бўлса, иш берувчи унга икки ой учун йўқотган иш ҳақи миқдорида мувофиқ келадиган пул компенсациясини тўлаши шарт ёки ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишни 2 ойга орқага суриши керак.

**4-МИСОЛ.** Ходим билан меҳнат шартномаси корхона тугатилиши муносабати билан 2009 йил 1 апрелдан бекор қилинган. Иш берувчи у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти тўғрисида ходимни ёзма равишда (имзо чекдириб) огоҳлантирмаган.

Ишдан бўшатаётганда у ходимга икки ой учун йўқотган иш ҳақи миқдорида мувофиқ келувчи пул компенсациясини тўлаш мажбуриятини олди.

Ходимнинг лавозим маоши 110 000 сўмни ташкил қилади. Унга лавозим маошининг 15% миқдорида устама – 16 500 сўм белгиланган. Жами иш ҳақи:

$110\,000 + 16\,500 = 126\,500$  сўмни ташкил қилади.

Ходимга куйидаги миқдорда пул компенсацияси тўланиши керак:

$126\,500 \times 2 = 253\,000$  сўм.

1 апрелда (ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда) унга биринчи ой (апрель) учун ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида пул компенсацияси у ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Агар ходим янги ишга огоҳлантириш муддати мобайнида жойлашса, бу ҳолда МКнинг 67-моддаси қўлланмайди.

**5-МИСОЛ.** Ходим билан меҳнат шартномаси корхона тугатилиши муносабати билан 2009 йил 1 апрелдан бекор қилинди. Иш берувчи уни бу ҳақда 2009 йил 1 февралда ёзма равишда (имзо чекдириб) огоҳлантирди.

Ходим огоҳлантириш муддати мобайнида ўзига иш топиб, янги ишга 1 мартдан бошлаб жойлашди. Унга февраль учун иш ҳақи ва, агар фойдаланмаган бўлса, фойдаланилмаган таътил учун компенсация тўланади.

### СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

Ходим билан меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра бекор қилинганда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ моддий ёрдам сифатида бериладиган ишдан бўшатиш нафақаси суммаси ва бошқа тўловлар Солиқ кодекси (СК) 143-моддасининг 9-бандига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига киритилади ва ҳақиқий харажатлар миқдорида фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базадан чегирилади.

Меҳнат шартномаси бекор қилинганда энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасида тўланадиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар суммасига СК 17-моддасининг 20-бандига асосан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

Ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган, СКнинг 178-моддаси бўйича даромад сифатида эътироф этиладиган ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар суммаси ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари бўйича солиқ солинадиган базага киритилмайди.


### МЕҲНАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

Ходимни корхона тугатилиши тўғрисида ўз вақтида огоҳлантирмадик Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини бузиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 49-моддасига кўра мансабдор шахснинг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиши унга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга олиб келади. Мазкур ҳолда меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва ундиргани маъмурий чораларини қўллашга меҳнат бўйича давлат ҳуқуқ инспекторлари ҳақлидир.

### РЕКЛАМА

## МЕБЕЛЬ ТАЙЁРЛАШ

мактаб  
офис  
тиббиёт  
металл каркада  
ошхона бюуртмага



тел./факс: (998 71) 244 86 31, 290 95 57. www.art-mebel.uz

Жавоблар "Norma Ekspert" гуруҳи экспертлари томонидан тайёрланди.

### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2009 йил 21 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шуниингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	1038,25	1 Малайзия ринггити	398,35
1 Англия фунт стерлинги	2130,83	1 Польша злотийси	436,00
1 Дания кронаси	252,37	1 СДР	2148,74
1 БАА дирҳами	393,49	1 Туркия лираси	897,37
1 АҚШ доллари	1445,22	1 Швейцария франки	1236,71
1 Миср фунти	256,59	1 ЕВРО	1908,18
1 Исландия кронаси	11,22	10 Жанубий Корея вони	10,78
1 Канада доллари	1188,89	10 Япония иенаси	146,28
1 Хитой юани	211,48	1 Россия рубли	43,18
		1 Украина гривнаси	187,69

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

### МДҲ ВА БОЛТИКБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	23.04.2009	1	0,8035	1	1,0444	1	0,0237
Арманистон	23.04.2009	1	371,42	1	484,29	1	11,02
Беларусь	24.04.2009	1	2852	1	3710,74	1	84,42
Грузия	23.04.2009	1	1,65	1	2,1336	1	4,8444
Қозғистон	24.04.2009	1	150,59	1	196,31	1	4,47
Қирғизистон	18.04.2009	1	43,165	1	56,3886	1	1,2898
Латвия	24.04.2009	1	0,54	1	0,702804	1	0,0159
Литва	24.04.2009	1	2,6514	1	3,4528	10	7,8517
Молдова	23.04.2009	1	11,2633	1	14,5752	1	0,3317
Тожикистон	23.04.2009	1	3,9123	1	5,1908	10	1,1923
Ўзбекистон	21.04.2009	1	1445,22	1	1908,18	1	43,18
Украина	23.04.2009	100	770	100	996,919	10	2,2607
Эстония	23.04.2009	1	11,9943	1	15,6466	1	0,355836

Манба: www.prime-tass.ru

**• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз **1-бет**

**• КАДРЛАР БЎЛИМИ**  
– Фирма ёпилганда ходим билан ҳисоблашиш **2-бет**

– Валюталар курси

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:**  
– «Турар жой ва кичик бизнес объеклари учун қурилиш материаллари сотиш бўйича фирма дўконлари тармоғини ташкил этиш тўғрисида»;

– «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида».  
**Идоравий-меъёрий ҳужжат:**  
– ЎЗР МВ, ИВ, ТИАИСВ, ДСҚ, ДБҚнинг «Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томони-

дан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.  
**Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 4 апрелдан 10 апрелгача бўлган маълумот.**  
**3-6-бетлар**

• top 7-8-бетлар

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

• **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**

– «Турар жой ва кичик бизнес объектлари учун қурилиш материаллари сотиш бўйича фирма дўконлари тармоғини ташкил этиш тўғрисида»;

– «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида».

• **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТ:**

– ЎзР МВ, ИВ, ТИАИСВ, ДСҚ, ДБКнинг «Ноозик-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

• **МЕЪЕРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РҲЙХАТИДАН ҲТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТҲҒРИСИДА 2009 ЙИЛ 4 АПРЕЛДАН 10 АПРЕЛГАЧА БҲЛГАН МАЪЛУМОТ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

## ТУРАР ЖОЙ ВА КИЧИК БИЗНЕС ОБЪЕКТЛАРИ УЧУН ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ СОТИШ БҲЙИЧА ФИРМА ДҲКОНЛАРИ ТАРМОҒИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҲҒРИСИДА

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 14-сон, 157-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармони билан тасдиқланган Иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқлари корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастурини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сон қарорини бажариш юзасидан, аҳолига ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошираётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига қулай шарт-шароитлар яратиш, бозорни янада кенгайтириш ҳисобига арзон нархлардаги қурилиш материалларига бўлган талабни қондириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қорақалпоғистон Республикасида ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси маҳсулотларини сотадиган 1-иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича ихтисослаштирилган дўконлар тармоғи фаолият кўрсатаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчилар билан биргаликда 2009 йил 1 июлгача республика туманлари ва шаҳарларида аҳоли талабига ҳамда уй-жой фонди объектлари бўйича таъмирлаш-қурилиш ишлари ҳажмларига қараб қурилиш материаллари (металл прокати, цемент, пишиқ гишт, шифер, қурилиш ойнаси ва бошқалар) сотиш бўйича, уларни 2-иловага\* мувофиқ жойлаштирган ҳолда, ишлаб чиқарувчиларнинг фирма дўконлари (кейинги ўринларда фирма дўконлари деб аталади) ташкил этиш юзасидан ташкилий-техник тадбирлар комплексининг қўшимча равиш-

да бажарилишини таъминласин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

фирма дўконлари қурилиш материалларини аҳолига нақд пулга, мажбурий тартибда назорат-касса аппаратларини қўллаган ва пул тушумларини банкка топшириш учун ҳар куни инкассо қилган, шунингдек тўловни жисмоний шахсларнинг пластик карточкаларидан қабул қилган ҳолда сотадилар;

фирма дўконлари орқали «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган металл прокати ва цемент ушбу материалларга жорий биржа котировкаларидан ортиқ бўлмаган нархлар бўйича сотилади;

фирма дўконлари, ишлаб чиқарувчи корхоналар қурилиш материалларини қўшимча ҳақ ҳисобига энг сўнгги истеъмолчигача етказиб беришлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа хизмат турларини кўрсатишлари мумкин.

4. «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасига ва цемент корхоналарига, ҳар йили моддий балансларда назарда тутилмаган ҳажмлардан биржа котировкаларининг ўртача нархлари асосида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича, шунингдек биржа савдоларига қўйилгандан кейин сотилмай қолган металл прокати ва цементни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошираётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига сотиш тавсия қилинсин.

5. 2009 йилда аҳолига ва фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошираётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган металл прокати ва цементни жорий биржа котировкаларидан ортиқ бўлмаган нархлар бўйича сотиш ҳажмлари 3 ва 4-иловаларга\* мувофиқ маъқуллансин.

6. Қуйидагилар 2009 йилда аҳолига ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш

\*1-4-иловалар рус тилида берилади.

ишларини амалга ошираётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига сотиш учун тасдиқланган балансларда назарда тутилган металл прокати ва цементни етказиб бериш манбалари этиб белгилансин:

3 120 тонна металл прокати — «биржа савдоларида сотиш» моддаси бўйича;

450 минг тонна цемент, шу жумладан «цемент корхоналари томонидан аҳолига сотиш» моддаси бўйича — 170 минг тонна ва «биржа савдоларида сотиш» моддаси бўйича — 280 минг тонна;

биржа савдоларига қўйилгандан кейин сотилмай қолган ҳажмлар.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда фирма дўконларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошлаш мақсадида икки ой муддатда истеъмолчилар учун қулай жойларда жойлашган фойдаланилмаётган турар жой бўлмаган биноларнинг, зарур инфратузилма ва омборхоналарнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарувчи корхоналарга ижарага берилишини таъ-

минласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳар йилги моддий балансларда аҳолига ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида уй-жой фонди объектларини реконструкция қилиш, қуриш ва таъмирлаш ишларини амалга ошираётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига фирма дўконлари тармоғи орқали сотиш учун «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқарилган металл прокати ҳамда цементни тўғридан-тўғри шартномалар ва биржа котировкаларининг ўртача нархи бўйича етказиб бериш ҳажмларини назарда тутсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М.Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2009 йил 28 март  
87-сон.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 1  
к постановлению Кабинета Министров  
от 28 марта 2009 года № 87

**ПЕРЕЧЕНЬ  
ДЕЙСТВУЮЩИХ ФИРМЕННЫХ МАГАЗИНОВ ПО РЕАЛИЗАЦИИ  
ПРОДУКЦИИ АПО «УЗМЕТКОМБИНАТ» И АК «УЗСТРОЙМАТЕРИАЛЫ»  
НА ТЕРРИТОРИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

№ п/п	Наименование предприятий	Регионы (города, районы)
1.	ООО «ХОРС и СМ»	Андижанская область, г. Андижан
2.	ДП «Андижанстройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	
3.	ДП «Бухарастройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Бухарская область, г. Бухара
4.	ДП «Бухоро-Кварц» — АО «Кварц»	
5.	Фирм. магазин «Комфорт» № 6 — ООО «Узстройматериалторг»	Джизакская область, г. Джизак
6.	ДП «Кашкадарьястройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Кашкадарьинская область, г. Карши
7.	ДП «Карши Ойна» — АО «Кварц»	
8.	ДП «Наманганстройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Наманганская область, г. Наманган
9.	ДП «Кизил Тепа-Кварц» — АО «Кварц»	Навоийская область, Кызылтепинский район
10.	ДП «Самаркандстройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Самаркандская область, г. Самарканд
11.	ДП «Акташстройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Самаркандская область, Нарпайский район
12.	ООО «Сырдарьястройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Сырдарьинская область, г. Гулистан
13.	ДП «Сурхандарьястройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Сурхандарьинская область, г. Термез
14.	ДП «Ахангаранстройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Ташкентская область, Ахангаранский район
15.	ОРТП «Комфорт» — ООО «Узстройматериалторг»	Ташкентская область, Урта-Чирчикский район
16.	ООО «Давмар-сервис»	Ташкентская область, Чиназский район
17.	ЧП «Умаров»	Ташкентская область, Ташкентский район
18.	ДП «Комфорт Кокандстройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Ферганская область, г. Коканд
19.	ДП «Кувасайстройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Ферганская область, г. Кувасай
20.	ТД «Кварц» — АО «Кварц»	Ферганская область, г. Кувасай
21.	ДП «Хорезмстройматериалторг» — ООО «Узстройматериалторг»	Хорезмская область, г. Ургенч
22.	ООО «Узстройматериалторг»	г. Ташкент
23.	ЧП «Арифходжаев»	г. Ташкент

**РАЗМЕЩЕНИЕ  
ФИРМЕННЫХ МАГАЗИНОВ ПРЕДПРИЯТИЙ АК  
«УЗСТРОЙМАТЕРИАЛЫ», ПРЕДПОЛАГАЕМЫХ ДЛЯ ОТКРЫТИЯ  
В 2009 ГОДУ НА ТЕРРИТОРИИ РЕСПУБЛИКИ**

Регионы, наименование городов и районов	Кол-во магазинов
Республика Каракалпакстан — Турткульский, Кунградский, Чимбайский, Шуманайский	4
Андижанская область — Мархаматский, г. Асака, Ходжабадский, Кургантепинский, г. Шахрихан	5
Бухарская область — Алатский, Каракульский, Гиждуванский, Ромитанский, г. Каган, Джандорский	6
Джизакская область — Зарбдорский, Пахтакорский, Дусликский, Арнасайский, Галляаральский	5
Кашкадарьинская область — г. Китаб, Яккабагский, Шахрисабзский, Касанский, Камашинский, Дехканабадский	6
Наманганская область — Папский, Чустский, Туракурганский, Учкурганский, Чартакский, Уйчинский	6
Навоийская область — Карманинский, Хатырчинский, Кизилтепинский, Нурагинский, Канимехский, г. Зарафшан	6
Самаркандская область — Пайарыкский, Каттакурганский, г. Жума, Джамбайский, Кушрабадский, Акдарьинский, Иштыханский, Булунгурский	8
Сырдарьинская область — г. Бахт, г. Янгиер, Баяутский, г. Хаваст	4
Сурхандарьинская область — Кызырыкский, Джаркурганский, Кумкурганский, Шурчинский, г. Денау	5
Ташкентская область — г. Ахангаран, г. Бекабад, г. Алмалык, г. Ангрэн, г. Янгиюль, Чиназский, Аккурганский, Букинский, г. Газалкент	9
Ферганская область — Алтыарыкский, г. Куvasай, г. Коканд, г. Маргилан, Риштанский, Узбекистанский, Бешарыкский	7
Хорезмская область — Кушкупырский, Ханкинский, Шаватский, Гурленский, Янгибазарский, Хазараспский	6
<b>Всего:</b>	<b>77</b>

**ОБЪЕМЫ**  
реализации в 2009 году населению и специализированным ремонтно-строительным организациям,  
осуществляющим на условиях «под ключ» работы по реконструкции, строительству  
и ремонту объектов жилищного фонда, металлопроката производства  
АПО «Узметкомбинат»  
по ценам, не превышающим текущие биржевые котировки

Наименование территорий	Объем реализации (тонн)
<b>Всего по республике</b>	<b>3120</b>
в том числе:	
Республика Каракалпакстан	150
Андижанская область	200
Бухарская область	175
Джизакская область	150
Кашкадарьинская область	225
Навоийская область	175
Наманганская область	200
Самаркандская область	265
Сурхандарьинская область	200
Сырдарьинская область	125
Ташкентская область	300
Ферганская область	200
Хорезмская область	150
г. Ташкент	605

**ОБЪЕМЫ**

реализации в 2009 году населению и специализированным ремонтно-строительным организациям, осуществляющим на условиях «под ключ» работы по реконструкции, строительству и ремонту объектов жилищного фонда, цемента по ценам, не превышающим текущие биржевые котировки

Предприятия-производители	Регионы	Объем поставки, тыс. тонн*
<b>Всего:</b>		450
АО «Кызылкумцемент», в том числе:	Республика Каракалпакстан	210
	Бухарская область	15
	Кашкадарьинская область	30
	Навийская область	40
	Самаркандская область	40
	Сурхандарьинская область	40
	Хорезмская область	30
АО «Кувасайцемент», в том числе:		15
	Андижанская область	100
	Наманганская область	35
	Ферганская область	30
АО «Ахангаранцемент», в том числе:		35
	Джизакская область	100
	Ташкентская область	25
	г. Ташкент	40
АО «Бекабадцемент», в том числе:		35
	Сырдарьинская область	40
	Ташкентская область	15
		25

\*В зависимости от конъюнктуры товарных рынков АК «Узстройматериалы», по согласованию с Комплексом Кабинета Министров по вопросам коммунальной сферы, транспорта, капитального строительства и стройиндустрии, может вносить в пределах общих объемов корректировки по отдельным предприятиям или регионам.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMACISINING  
ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ФУТБОЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 14-сон, 161-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида» 2006 йил 1 майдаги ПҚ-338-сон қарорини бажариш, шунингдек футбол клублари, Ўзбекистон Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Профессинал футбол клублари, Ўзбекистон Футбол федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари 2009 йил 1 апрелдан бошлаб уч йил муддатга:

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, стадионларни реконструкция қилиш ва футбол клубларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган четдан келтириладиган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва материаллар учун божхона тўловларини (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари);

солиқлар ва йиғимларнинг барча турларини (ягона иж-

тимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод қилинсин, бўшаб қоладиган маблағлар футболни ривожлантиришга мақсадли йўналтирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси кўрсатиб ўтилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши юзасидан қатъий назоратни амалга оширсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2009 йил 1 апрель  
92-сон.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI MOЛИЯ VAZIRLIGI,  
ИҚTISOДИЁТ VAZIRLIGI, TAШҚИ ИҚTISOДИЙ AЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР  
ВА САВДО VAZIRLIGI, ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ, ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**НООЗИҚ-ОВҚАТ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА  
ИХТИСОСЛАШГАН КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН СОЛИҚ ВА БОЖХОНА  
ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ  
ҲАҚИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил  
31 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1932.

(«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2009 йил, 14-сон, 167-модда)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотно-

\*2009 йил 10 апрелдан кучга киради.

маси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-

номаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 230-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 мартдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1050-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун

ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 5-сон, 37-модда) мувофиқ қарор қиламиз:

1. Илова қилинаётган Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Молия вазири**

**Р.АЗИМОВ.**

32-сон

**Иқтисодиёт вазири**

**Б.ХОДЖАЕВ.**

69-сон

**Ташқи иқтисодиёт алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири**

**Э.ФАНИЕВ.**

ЭГ-01/10-1559-сон.

**Давлат солиқ**

**қўмитаси раиси**

**Б.ПАРПИЕВ.**

2009-16-сон

**Давлат божхона**

**қўмитаси раиси**

**С.НОСИРОВ.**

01-02/8-5-сон

Тошкент ш., 2009 йил 10 март.

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги,

Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитасининг

2009 йил 10 март 32, 69, ЭГ-01/10-1559, 2009-16, 01-02/8-5-сон қарорига

ИЛОВА

### **НООЗИҚ-ОВҚАТ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН СОЛИҚ ВА БОЖХОНА ИМТИЁЗЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 й., 12-сонга 1-илова), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 230-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 мартдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1050-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 5-сон, 37-модда) мувофиқ ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартибини белгилайди.

#### **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 мартдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-1050-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 5-сон, 37-модда) мувофиқ, ушбу Низомнинг 1-илоvasида келтирилган товар гуруҳлари бўйича, имтиёз берилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ҳажми умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 60 фоизини ташкил этадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун 2012 йил 1 январгача солиқ ва божхона имтиёзлари бўйича имтиёз ва преференциялар қуйидаги кўринишда берилади:

а) қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:  
юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи;  
юридик шахслардан олинadиган мулк солиғи;  
микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови;

маҳсулот реализацияси ҳажмидан Республика йўл жағфармасига мажбурий ажратмалар;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ва материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштирув йиғимларидан ташқари).

б) ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ўзи учун ишлаб чиқаришда зарур бўлган хом ашё, материаллар ва фурнитураларни импорт қилишда божхона декларацияси қабул қилинган кундан бошлаб, божхона тўловларини тўлашни (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 60 кунгача бўлган муддатга кечиктириш.

Кечиктириб тўлаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинадиган хом ашё ва материаллар рўйхатига киритилмаган хом ашё, материаллар ва фурнитураларга берилади.

2. Ушбу Низомнинг 1-банди «а» кичик бандида кўрсатилган имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлар, корхоналар томонидан янги ишлаб чиқаришларни ташкил қилишга, шунингдек фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизациялашга, реконструкция қилишга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материалларни сотиб олишга, киритилган инвестицияларни, шу жумладан кредитларни қоплашга йўналтирилади.

Тақдим этилган имтиёзлар натижасида бўшаган маблағлар мақсадга мувофиқ фойдаланилмаган тақдирда, бу маблағлар ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда бюджетга тўлиқ ўтказилади.

3. Корхоналарга тақдим этилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби, уларни тақдим этиш натижасида бўшаган маблағлардан фойдаланиш тартиби Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича

берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (2005 йил 2 апрель, рўйхат рақами 1463 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 14-сон, 105-модда) билан тартибга солинади.

## II. ИМТИЁЗЛАР ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ

4. Солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар ва преференциялар корхоналарга ушбу Низомнинг 2-иловасига\* мувофиқ давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органларига тақдим этиладиган аризага асосан тақдим этилади.

5. Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) олиб кириладиган товарларни эркин муомалага чиқариш режимида ўтказиш божхона расмийлаштируви пайтида тақдим этилади.

Бунда солиқ солинадиган оборотлар, шу жумладан ноль даражали ставка қўлланиладиган оборотлар учун фойдаланиладиган импорт қилинган товарларга ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммаси тайёр маҳсулот бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқаришда камайтирилади (ҳисобга олинади).

6. Божхона тўловларини кечиктириб тўлашга рухсат олиш учун (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) корхоналар томонидан божхона органларига Божхона тўловларини тўлаш муддатини узайтириш ва кечиктириш бўйича Йўриқномага (1999 йил 8 апрель, рўйхат рақами 697 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 1999 й., 4-сон) мувофиқ ҳужжатлар тақдим этилади,

бундан хизмат кўрсатувчи банкнинг депозит ҳисобварағида маблағлар йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома мустасно.

7. Имтиёз берилган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ҳақиқатда ихтисослашганлигини тасдиқлаш учун имтиёзлардан фойдаланган корхоналар йил якунлари бўйича солиқ ҳисоботи билан бирга давлат солиқ хизмати органларига ушбу Низомнинг 3-иловасига\* келтирилган шаклга мувофиқ Маълумотнома ҳисобкитобни тақдим этади.

8. Агар ҳисобот йили якунлари бўйича корхона тақдим этилган Маълумотнома ҳисоб-китобга асосан имтиёз бериш учун белгиланган мезонларга мос келмаса (имтиёзлар берилган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона бўлиб ҳисобланмаганда) солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар, уларни ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолда, бюджетга тўланиши бўйича мажбуриятлар тикланиб бекор қилинади.

Корхоналар имтиёзлардан фойдаланиш учун белгиланган мезонларга мос келмай қолиш фактлари аниқланганда, давлат солиқ хизмати органлари 10 иш куни ичида аниқланган фактлар тўғрисида ўрнатилган тартибда аввал тўланмаган божхона тўловлари ундириш чораларини кўриш учун давлат божхона хизмати органларини хабардор қилади.

## III. ЯКУНИЙ ҚОИДА

9. Солиқ ва божхона имтиёзларининг тўғри қўлланиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ хизмати ва давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

**\*Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисида низомга 2, 3-иловалар берилмайди. Иловаларнинг тўлиқ матни билан «Ногта» АХТда танишиш мумкин.**

Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини  
ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини  
қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

### Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда солиқ ва божхона имтиёзлари ва преференциялари бериладиган товар гуруҳларининг РЎЙХАТИ

Товар гуруҳи	Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи
I. Тайёр ип-газлама матолари (чит ва сатиндан ташқари)	Астарбоп мато
	Тик матоси
	Кўйлақбоп, шу жумладан аралашма толадан
	Кўйлақбоп мато (аёллар)
	Фланель, бумазая (Паҳмоқ, бумазей)
	Жинси матоси
	Сочиқбоп газлама (вафел)
	Сочиқбоп газлама (паҳмоқли)
II. Тайёр аралашма матолар	Диagonal газламаси
	Аралашмали газламаларнинг барча турлари
III. Тайёр шойи (атласдан ташқари) матолар	Креп шифон газламаси
	Креп жоржет газламаси
	Крепдешин
	Альпак
	Пардабоп
	Астарбоп
IV. Пойабзал ва уни ишлаб чиқариш учун материаллар	Бахмал
	Болалар пойабзали
	Аёллар пойабзали
	Эркақлар пойабзали
	Спорт пойабзали
	Гусарбоп пойабзал
	Полиуретан, резина ва поливинилхлориддан пойабзалнинг тағ чармлари
	Пойабзал қолиплари
Пойабзал елими	



Товар гуруҳи	Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи
<b>IV. Пойабзал ва уни ишлаб чиқариш учун материаллар</b>	Пойабзал михлари
	Супинатор ва фурнитура
	Чармкартон
	Табиий чарм
	Сунъий чарм
	Резинали пойабзал (калишлардан ташқари)
<b>V. Тайёр тикувчилик буюмлари</b>	Болалар ва ўсмирлар кўйлаги
	Қиз болалар ва ўсмирлар кўйлаги
	Болалар ва ўсмирлар костюми, пиджаги ва шимлари
	Болалар ва ўсмирлар курткалари
	Болалар ва ўсмирлар пальтолари
	Блузкалар ва кофтлар
	Юбкалар
	Аёллар кўйлаги
	Аёллар плашлари
	Эркаклар плашлари
	Аёллар ва эркаклар костюмлари
	Эркаклар кўйлаги
	Курткалар
	Аёллар ва эркаклар шимлари
	Аёллар пальтоси
<b>VI. Бош кийимлар (миллий бош кийимлардан ташқари)</b>	Шляпалар, береталар, қалпоқлар, кепкалар, телпакалар
<b>VII. Пайпоқ буюмлари</b>	Колготкалар
	Болалар ва аёллар узун пайпоқлари
	Пайпоқлар
	Гольфилар
	Гетра
<b>VIII. Тўқимачилик атторлик буюмлари</b>	Метрли ленталар, резинали продержка, ҳар хил тесма, бахрама-попуқлар
	Турли бош кийимлар (рўмоллар)
	Шарфлар
	Дастрўмоллар
	Бўйинбоғлар
	Корсет маҳсулотлари
	Тюль-гардин анжомлари, кружева, безак тўрлар
	Текстиль шнурлари
<b>IX. Металл атторлик буюмлари</b>	Ошхона матолари (дастурхон, салфеткалари)
	Қайчилар
	Тикув буюмлари учун фурнитура (тугмачалар, замоклар, занжирсимон ёпқичлар, застежкалар, тўқалар, тўғноғичлар ва безаклар, кнопкалар, илмоқлар)
	Кўзойнақлар, оправалар ҳамда оптик ва қуёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнақлар учун гилофлар
	Спицалар, тўқишда фойдаланиладиган илмоқлар, тўғноғичлар, шпилькалар, зажимлар, игналар
<b>X. Пластмасса атторлик буюмлари</b>	Тиш чўткалари
	Кийим чўткалари
	Тароқлар, заколкалар
	Ойна буюмлари
	Тикув буюмлари учун фурнитура (тугмачалар, замоклар, занжирсимон ёпқичлар, застежкалар, тўқалар, тўғноғичлар ва безаклар, кнопкалар, илмоқлар)
	Кўзойнақлар, оправалар ҳамда оптик ва қуёшдан ҳимоя қилувчи кўзойнақлар учун гилофлар
	Спицалар, тўқишда фойдаланиладиган илмоқлар, тўғноғичлар, шпилькалар, зажимлар, игналар
<b>XI. Чарм атторлик буюмлари</b>	Аёллар, эркаклар, ўқувчилар сумкалари
	Спорт товарлари (қўлқоплар, қоғлар, грушалар, шлемлар, лапалар, кураш гиламлари, татами, тўрлар, рюкзаклар)
	Ҳар хил тўшлар, тиббиёт тўшлари
	Ишбилармонлар сумкалари (кейслар, дипломатлар, портфеллар)
	Кўлқоплар
	Жомадонлар, йўл (хўжалик) ва спорт сумкалари
	Камарлар, чарм атторлик анжомлари, палаткалар
	Майда атторлик буюмлари (футлярлар, гилофлар, портмоне, ҳамёнлар)
	Чарм кийимлар

Товар гуруҳи	Имтиёз қўлланиладиган товарлар номи
XII. Парфюмерия-косметика товарлари, санитария ва шахсий гигиена товарлари	Дезодорантлар, одеколонлар, духи, геллар, лосьонлар, вазелин
	Эркак ва аёллар косметикаси
	Кремлар (қўл, юз, оёқ учун, соқол олингандан сўнг ишлатиладиган)
	Туалет совуни, жумладан суюқ совун
	Шампунлар
	Тиш пастаси
	Болалар тагликлари
	Аёллар гигиена тагликлари
	Ҳашаротларга қарши восита
	Санитария-гигиена ювиш воситалари
XIII. Металл идишлар ва ошхона анжомлари	Қошиқ, санчки ва пичоқлар
	Кастрюлка, това, чойнақлар, кофе чойнақлар, бидонлар, металл тоғоралар (эмалланганлардан ташқари)
	Металл ва полимер ошхона анжомлари ва уларнинг наборлари
	Ҳаммомлар ва ҳожатхоналар учун металл ва полимер наборлар
XIV. Электр ёритиш жиҳозлари	Чинни идишлар (чайнақлар, тарелкалар, пиёлалар, лаганлар, чинни сервизлар)
	Қандиллар, лампалар ва ёриткичлар (хрусталь ва саноат учун мўлжалланганлардан ташқари)
XV. Мебель учун фурнитура	Мебель учун фурнитура (металл, полимер), шу жумладан ошиқ-мошиқ ва шарнирлар

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI VAZIRLIKLAR, DAVLAT QUMITALARI VA IDORALARNING NORMATIV-HUQUQIY HUJжатLARINI DAVLAT RUYХATIDAN UTКАZIШ ХОЛАТИ TUGRISIDA 2009 ЙИЛ 4 АПРЕЛДАН 10 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

**I. DAVLAT RUYХATIDAN UTКАZILDI:**

1. «Газ экспорти ва транзитидан тушадиган валюта тушумларини сотишдан олинган маблағларни тақсимлаш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 27 февралдаги 31, 2009-13-сонли қарори.

2009 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1935 (2009 йил 16 апрелдан кучга киради).

2. «Автомобилда ташувчининг фойдаланиш хизмати ва техника хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг 2009 йил 3 мартдаги 19-сонли буйруғи.

2009 йил 6 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1936 (2009 йил 16 апрелдан кучга киради).

3. «Саноат мулки объекти патентининг амал қилишини тиклаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси давлат патент идораси директорининг 2009 йил 11 мартдаги 33-сонли буйруғи.

2009 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1937 (2009 йил 17 апрелдан кучга киради).

4. «Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг реестри

тўғрисидаги низомни, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 19 мартдаги 01/23-18/02-сонли қарори.

2009 йил 7 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 274-2 (2009 йил 17 апрелдан кучга киради).

5. «Адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шаклини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 8 апрелдаги 91-мх-сонли буйруғи.

2009 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1938 (2009 йил 18 апрелдан кучга киради).

6. «Кўшимча инвестициялар, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига акциядорлик жамиятларининг устав фондларини ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2009 йил 20 мартдаги 01/23-18/03-сонли қарори.

2009 йил 10 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1061-1 (2009 йил 20 апрелдан кучга киради).

**II. DAVLAT REESTRIDAN CHIKARILDI:**

1. Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг реестри тўғрисидаги низом, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан

тасдиқланган (рўйхат рақами 274, 1996 йил 16 август), (рўйхат рақами 274-1, 2000 йил 10 ноябрь).

Адлия вазирининг 2009 йил 7 апрелдаги 90-мх-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

**III. DAVLAT RUYХATIDAN UTКАZILISHI LOZIM EMAS:**

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиациясини метеорологик таъминоти бўйича йўриқномага (ФАМТБЙ-2008) қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеоро-


логия хизмати маркази, Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда ушбу ҳужжат техник ҳужжат деб топилди.

Мазкур ҳужжат белгиланган тартибда кўрсатилган идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган ҳужжатларда қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий-меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.**

**Саволлар ва таклифлар учун телефонлар: 233-38-67, 232-00-28.**



# ТОП

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 18 (199) 2009 йил 27 апрель



«SANAY» ҚК Хитой ва Италияда ишлаб чиқарилган юқори сифатли

## КАФЕЛЬ

сотади, ўлчами 60x60, 45x45, 40x40


Буюртма бўйича Хитойдан ҳар қандай ускунани етказиб берамиз

Товар сертификатланган  
Хизматлар лицензияланган

Тошкентдаги  
омбордан сотилади

pr\_8-01-01

Тўлов – исталган  
шаклда



Тошкент ш., Ҳамза тумани,  
Султонали Машҳадий кўч., 210  
(мўлжал – шампан винолари заводи).  
Тел.: 269-44-66, факс 269-44-33,  
Уяли +99893 375-56-58.  
E-mail: sanay\_uz@yahoo.com

Буюртмага

Тўлов – исталган шаклда  
H506



Das Auto

Ташкилот БУТУН МОДЕЛЬ ҚАТОРИНИ сотади  
Етказиб бериш муддати – 2 ҳафта  
Т.: (+99890) 317-67-97, (+99871) 140-00-61

ЯНГИЛАНГАН NISSAN TIIDA

ҲАРАКАТДАГИ ҚУЛАЙЛИК



Товар сертификатланган

### TIIDA

Ажойиб динамика ва ўзига хос кенг салон. Йўлдаги ишонч ва ички сайқалнинг юқори сифати.  
Ҳар бир деталнинг бекаму кўстлиги. Ишончлилик, хавфсизлик ва шинамлиқнинг ўзига хос муҳити.



#### МАХСУС ТАКЛИФ

Ўзбекистондаги Nissan расмий дистрибьютори Premium Autoкомпаниясидан. ☎ 295 88 77

Нархи 32 000 \$ дан\* 2 йил кафолат ёки 50 000 км босиш + ОСАГО СОВФАГА  
\*Нархлар божхона тўловларини ҳисобга олиб кўрсатилган

H306

«top. Товарлар  
ва хизматлар бизнес панорамаси» рукни  
«Premier-press» реклама агентлиги  
томонидан тайёрланди.  
Тел.: 237-51-33, 237-47-20, 237-47-05.

## «BEHZOD YUM» ХК

2000 дан  
ортиқ номдаги  
товарлар

Улғуржи ва  
чакана савдо

Канцелярия  
ва хўжалик  
товарлари



Тел. 233-54-11, факс 236-12-43. E-mail: behzod\_yum@mail.ru  
Манзил: Ҳамза тумани, Тўйтепа кўчаси, 1-уй (мўлжал – вино заводи)

## КОРПУСЛИ МЕБЕЛЬ

ТАНЛОВИНГИЗГА КўРА...  
ШКАФЛАР, КУПЕ ШКАФЛАР,  
ГАРДЕРОБЛАР, ОШХОНАЛАР  
МЕБЕЛИ, ЁТОҚХОНАЛАР  
МЕБЕЛИ, ОФИС МЕБЕЛИ,  
МДФ ЭШИКЛАР



буюртмага тайёрлаш  
Т.: 746-80-72  
127-80-72

## «Elite stamp» МЧЖ МУҲР ва ШТАМПЛАР

реквизит ва факсимил  
штампчалар, шунингдек  
автоматик жиҳозлар  
Хизматлар лицензияланган

тел.: 766-0977, 769-0100,  
факс 248-3045.  
e-mail: elitestamp@mail.ru



## РЕЛМОН-ГАРАНТ

адвокатлик бюроси  
хўжалик юритувчи субъектларга  
ҳуқуқий ва юридик ёрдам

281-59-72, 919-11-39  
919-39-10, 188-98-11



## Офис мебели Уй учун мебель

- Купе шкафлар
- Ошхона гарнитуралари
- Юмшоқ мебель
- Ётоқхоналар
- Болалар хоналари
- Қурилган мебель

Шпонланган хоналараро эшиклар  
МДФдан девор панеллари

Манзил: Тўйтепа (собик Жуковский) кўч., 1 (мўлжал – 1-поликлиника)  
Тел.: 126 6830, 333 3929, 233 3660, факс 236 3623

## «TOSOL-N» МЧЖ

АНТИФРИЗ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

Ички ёниш двигателлари учун  
СОВУТУВЧИ СУЮКЛИК

### СС МАРКАЛАРИ

«TOSOL-A30, A40, A65, TOSOL-AM концентрат» Ушбу махсулот  
этиленгликоль асосида тайёрланади, шунингдек ASTM D 3306-79 антифризи  
(АҚШ) аналогига ҳисобланади ва металлга энг кам коррозия таъсири  
кўрсатади. Товар миқоз хоҳишига қараб 5 кг, 20 кг лик  
идиш ва 200 литрлик бочкаларга қадоқланади

ТўЛОВ НАҚД ПУЛСИЗ ХИСОБ-КИТОБ БЎЙИЧА

Манзил: Тошкент ш., Исмоил ота кўч., 1  
Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42

Компьютерлар ва HP, Canon, Panasonic ва Samsung офис техникаси  
Мониторлар, принтерлар, сканерлар, нусха кўчирувчилар,  
КФУ, бутловчи буюмлар ва картрижлар  
Факслар, телефонлар ва радиотелефонлар, мўъжаз  
АТСлар ва видеокузатув тизимлари

Ўз иш ҳажмига эга мутахассислар тақлиф этилади, тўлов фонди 60%  
\*KM SUBSYSTEMS\* ХК www.kmj.uz. Тел.: 2457176, 2449916, 2459444, факс 2449916.  
Тошкент, К.Ерматов кўч., 14, 2-қават. E-mail: kmj@sarkor.uz

Ўзэкспо  
марказ

Тошкент  
Ўзбекистон



13-нчи Халқаро  
КўРГАЗМА ва АНЖУМАН

# НЕФТЬ ва ГАЗ

12-14

МАЙ  
2009

Ташкилотчи:

Ўзбекистон, 100015, Тошкент, Ойбек кўч., 20  
Тел.: +(998 71) 113 01 80, факс: +(998 71) 252 51 64  
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz, Web: www.ite-uzbekistan.uz

Расмий очилиш маросими  
2009 йил 12 май соат 11.00 да

Кўргазманинг ишлаш вақти:

12 май 11.30-17.00 13 май 10.00-17.00  
14 май 10.00-16.00



УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ  
РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www.restoran.uz

“Интеграл стар” ХК таклиф қилади

## ЕҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган  
Товарлар сертификатланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 104-84-10, 303-16-46 факс 274-66-77

Хорижий корхона

MP-3 русумидаги,  
диаметри 3-4 мм бўлган

## ЭЛЕКТРОДЛАР

(пирамида)ни таклиф этади

Товар сертификатланган

☎ 370-87-43, 168-60-38, 265-53-99

Техник туз 1-2 навли

Титан диоксида

625 кг дан R-206, 25 кг дан R-203

т/ф: 281-35-61, 255-76-74, 254-94-95,  
e-mail: vklim\_70@mail.ru

“ВЕНЕТЕК-ИМПРЕКС” МЧЖ <sup>H1344</sup>

ШИП ВА ДЕВОР УЧУН  
эни - 20-25 см, бўйи - 5,95 м

СОТАДИ

## ПЛАСТИК

3 хил рангдаги пластик  
эни 15 см дан 35 см гача, бўйи 5,95 м

## ДЕРАЗА ТОКЧАЛАРИ

Тўлов - пул ўтказиш йўли билан

Тел./факс: 233-85-25, 236-21-97

ўлчов олиш-дизайн-ўрнатиш

# ЖАЛЮЗИ

☎ 244-87-78

☎ 301-98-91



Decomatic

Бунёдкор кўч., 8 б. “Миллий боғ” метроси

Бўлғуси такдимот маросимлари,  
кўргазмалар,  
матбуот анжуманлари ҳақидаги  
матбуот-релизларни,  
хабарнома-таклифномаларни  
«Норма маслаҳатчи» тахририятининг рек-  
лама хизматига  
237-51-33 телефон-факси орқали  
жўнатишингиз мумкин.

Ташкилот нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича қуйидагиларни сотади

### ЛИФТЛАР 100 дан 5000 кг гача

◆ ТИКИНЛИ АРМАТУРА: ЗУЛФИНЛАР, ВЕНТИЛЛАР, ЗАТВОРЛАР, КЛАПАНЛАР

- ◆ Дизель кўчма электростанцияси 60 кВт
- ◆ ВКР, ВО, ВЦ, “Самал” вентиляторлари
- ◆ Электр ва қўл насослари
- ◆ КТЦ саноат кондиционерлари
- ◆ Электроталлар, кран-балкалар
- ◆ Муз генератори
- ◆ “Россиянка” электр плиталари (4 конфоркали ва духовка)
- ◆ Зангламас қувурлар 057, эни 4 мм, 010, эни 2 мм
- ◆ Кир ювиш барабани, ФЯР, ФПУ ҳаво филтрлари
- ◆ ҚИД, КВУ, ГРП-40 клапанлари
- ◆ Ўт ўчирувчилар қўлқоплари, колонкалар ва гидрантлар

E-mail: kaspi64@bk.ru, тел.: 273-95-90, 175-81-56 (ўяли), тел./факс 273-83-86

Товар сертификатланган



- ◆ офис мебели
- ◆ ошхоналар буюртмага
- ◆ купе шкафлар
- ◆ ётоқхоналар
- ◆ болалар учун
- ◆ савдо ускунаси

◆ импорт юншоқ мебеллар

474 33 60 ☎ 267 58 93

H1365

VERONA  
www.interior.uz

## “ЕВРОМЕТАЛ-ОСИЁ” ҚҚ

ХАЛҚА квадрат, поковка конструкция, иссиққа чидамли, зангламас

конструкция шестигранник


ТУНУКА иссиқ жўваланган, тарам-тарам, зангламас

ст. У8Г 0,9х366 мм рулонли тасма


Техник туз 1-2 навли (Учқудук)

т/ф: 281-35-61, 255-76-74, 254-94-95, e-mail: vklim\_70@mail.ru

МДХдаги ЭНГ ЙИРИК ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИЛАРДАН БИРИ



АНДИЖОН  
КАБЕЛЬ  
ЗАВОДИ



ТОВАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН

РЕАЛ НАРХЛАР БЎЙИЧА  
СИФАТ ВА КАФОЛАТ

Тошкент ш., Қибрай (собик М.Жалил кўч.), 92. Тел.: 150-11-77 (кўп тармоқли), 150-55-66 e-mail: tashkent@ak.uz, www.cable.uz

\*Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 2009 йил 13 апрелдаги қарорларига асосан Чилонзор туманидаги тугатилаётган корхоналар РЎЙХАТИ Корхона номи Қарор рақами  
“IDR-SHAHRINA” МЧЖ 10-0911/3895-т  
“MUZIK ALLEGRO” МЧЖ 10-0911/3896-т  
“FLASHFORTUNA” МЧЖ 10-0911/3897-т  
“BIOFAT-SERVIS” МЧЖ 10-0911/3898-т

Мазкур корхоналарнинг муҳр ва бурчак тамгалари ўз кучини йўқотган деб топилсин. Чилонзор тумани Ҳокимияти корхоналарни тугатиш комиссияси эълони чоп этилган санадан эътиборан барча даъволар 2 ой муддат ичида Тошкент ш., Бунёдкор кўчаси, 50-уй манзили бўйича ҳамда 276-75-23, 276-26-86 телефонлари орқали қабул қилинади.

\*Тошкент шаҳар ҳўжалик суди томонидан 2009 йил 22 апрелда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 53-моддасига мувофиқ Яқкасарой туманидаги қуйидаги ҳўжалик юритувчи субъектларни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва тугатиш ҳаракати бошланди:

Корхона номи Қарор рақами  
“DON-GRAND” ХК 10-0907/5538-т  
“LAGUNA TRAVEL” МЧЖ 10-0907/5536-т  
“DUNA AL-TMOOH” МЧЖ 10-0907/5537-т

Мазкур корхоналарнинг дебитор ва кредиторлик даъволари 2 ой муддат мобайнида Яқкасарой тумани Ҳокимияти тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. Корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари бекор қилинади.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАҲАТЧИ**

СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ  
ҲУҚУҚ

ТАЪСИСЧИ “Norma Hamkor” МЧЖ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР  
ФАРҲОД КҮРБОНБОЕВ

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100000, Тошкент ш.,  
Ҳ.Олимжон майд., 10а.  
E-mail: sbxaxbot@mail.ru

Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуқтаи-назарига мос келвермайди. Чоп этилган тавсиялар, тушунтиришлар, жумлалар, фактлар, статистик маълумотлар, реклама эълонларининг аниқлигига жавобгарлик материал муаллифи зиммасига юкланади.

Тахририят оғоҳлантирадики, газетамизда мавжуд ахборотдан фойдаланганлик, фойдаланмаганлик ёки мувофиқ равишда фойдаланмаганлик билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатлар ва/ёки оқибатлар учун тахририят жавобгар эмас. Тахририят муштарийлар билан ёзиш туриш имкониятига эга эмас.

“Норма маслаҳатчи” да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат “Norma” МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета тахририят томонидан тайёрланган диапозитивлар ёрдамида “TOPPRINT” МЧЖ босмаҳонасида босилди (Тошкент ш., Миробод тумани, Толимаржон (Фетисов) кўч., 1/1).  
Буюртма 81 Адади 5975. Баҳоси келишилган нархда  
Газета 2009 йил 24 апрелда соат 16.30 да топширилади.  
ISSN 2010-5223